
Ёрдам бериш ишлари давом этмоқда

Риштон туман судларида "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ишлари давом этмоқда.

2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармонида "Аёллар дафтари"ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш белгиланган. Юқоридаги Фармон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Риштон туманлараро иқтисодий суди раиси У.Эргашев, ФИБ Риштон туманлараро суди раиси Ш.Ахунбаев ҳамда жиноят ишлари бўйича Риштон туман суди раиси У. Мехмоналиевлар томонидан Риштон туманидаги 4 сектор худудининг 16 та МФЙда истиқомат қилувчи ҳуқуқий маслаҳатга муҳтоҷ хотин-қизлар билан учрашиб ҳуқуқий тушунтириш йўли орқали мурожаатчиларнинг барча масалалари жойларда ҳал этилди.

2022-07-16 17:22:12